Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№92 (441)
2020 йил 20 ноябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

## БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 ноябрь куни қурилиш соҳасига оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Маълумки, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини реконструкция қилиш ва кенгайтириш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида бу ишларни ҳар томонлама чуқур ўйлаб лойиҳалаштириш зарурлигини таъкидлаган эди. Шу асосда лойиҳа қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилди. Унга кўра, катта масжид, тўртта минора ва кенг айвонлар қуриш, хиёбон, унинг атрофида меҳмонхоналар ҳамда бошқа инфратузилма объектлари барпо этиш кўзда тутилган.

Президентимиз тақдимот билан танишар экан, зиёратчи ва бошқа сайёҳлар учун қулайликларни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев тақдимот чоғида мажмуани жаҳон андозалари даражасида сифатли қуриш, зиёратчиларга қулайликларни ошириш бўйича қатор кўрсатмалар берди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат санъат музейининг янги биноси лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси буюртмаси билан дунёга машҳур япон меъмори Тадао Андо томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ, музейнинг мавжуд биноси ёнида айлана шаклида 3 қаватли янги иншоот қад кўтариши кўзда тутилган.

Бу қурилишнинг аҳамияти шундаки, музейнинг ҳозирги шароити билан мавжуд экспонатларнинг бор-йўғи 3 фоизини намойишга қўйиш мумкин. Янги иморат қурилгач, ушбу санъат даргоҳининг кўргазма майдони кенгаяди.

Музей биносини реконструкция қилиш лойиҳаси объектнинг тарихий қиймати ва яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда, меъморчиликдаги замонавий тенденцияларни ҳамда бугунги куннинг ижтимоий архитектурасини акс эттиради, пойтахтимиз кўркига кўрк қўшади.

Давлатимиз раҳбари 16 октябрь куни Тошкент архитектура-қурилиш институтининг янги биносини бориб кўрганида бу ерда соҳа кластери ташкил этиш, ҳудудни қурувчилар массивига айлантириш лозимлиги юзасидан топшириқлар берилган эди. Шу мақсадда институт атрофидаги майдонлар ҳам қўшилиб, янги лойиҳа ишлаб чиқилди.

Унга кўра, олий таълим муассасаси ёнида қурилиш коллежи, қурилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот маркази, лабораториядё, ётоқхоналар, спорт мажмуаси ва бошқа объектлар барпо этилиши мўлжалланган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами кенгайди. Айниқса, кўп қаватли уйлар қурилиб, аҳолининг энг муҳим талаби қондирилмоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам шу каби ишлар режалаштирилган. Хусусан, Термиз шаҳрининг Беруний кўчасида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, масжид, меҳмонхона, турар жойлар, маҳалла гузари ва кўплаб тадбиркорлик субъектлари жойлашган. Мазкур марказий кўчанинг янги лойиҳасига кўра, реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилади. Денов туманининг Нурли манзил ва Лочин маҳаллаларида энергиятежамкор кўп қаватли уйлар, ижтимоий муассасалар барпо этилиши кўзда тутилган.

Тақдимотда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари шу йил 12 июнь куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида бўлиб, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни белгилаб берган эди. Хусусан, Тошкент туманининг бир қисмини Олмазор туманига ўтказиб, янги турар жойлар ва корхоналар барпо этиш таклиф қилинганди.

Тақдим этилган лойиҳага биноан, 200 гектардан зиёд ушбу ҳудудда 150 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уйлар, мактаб, болалар боғчаси, истироҳат боғи, тижорат зонаси қурилиши кўзда тутилган.

Яна бир лойиҳа пойтахтимиздаги «Наврўз» қабуллар уйидан самарали фойдаланишга оид. Ушбу мажмуани капитал таъмирлаб, Давлат иштирокидаги корхоналарни соғломлаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш маркази ташкил этиш режалаштирилган. Бу ерда тадбиркорларга маълумотлар очиқ ва шаффоф тарзда тақдим этилади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги Темурбеклар мактаби қурилишига доир тақдимот билан ҳам танишди ва зарур кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**



*Наманган вилоятидаги шаҳар ва қишлоқлар азалдан ўзининг тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликлари, зиёратгоҳлари билан машҳур. Улар аждодларимизнинг бунёдкорлик соҳасида ниҳоятда катта тажриба ва юксак малакага эга бўлганликларидан далолат бериб турибди.*




## МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРГА иккинчи умр бағишланмоқда

Кейинги йилларда бу иншоотларнинг бир қанчаси қайтадан қурилди ёки мукаммал таъмирланди. Масалан, Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қараний зиёратгоҳини олайлик. Бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари қадамжо таркибидаги масжид, мақбара, музейга батамом янги қиёфа бахш этди. Ҳудуд ободонлаштирилиб, зиёратчилар учун қулай шароитлар яратилди. Бу ерга эндиликда хорижий юртлардан ҳам кўплаб сайёҳлар ташриф буюрмоқда.

Вилоят марказида ҳам бир неча асрлардан буён ўз салобатини намоён этиб турган ёдгорликлар талайгина. Отавалихон тўра масжиди, Мулла Қирғиз мадрасаси, Хўжа Амин мақбараси ана шулар жумласидандир. Улар Наманган шаҳрига келган ҳар бир меҳмоннинг эътиборини ўзининг кўркамлиги, ажойиб меъморий ечимлари, ҳозиргача дастлабки қиёфасини сақлаб қолгани билан мафтун этади. Тарихчи олим, фан доктори, профессор Иброҳимжон Юсупов Хўжа Амин мақбараси ҳақида шундай дейди:

– Ушбу обида бундан қарийб уч юз йил муқаддам тикланган. Мақбара шаҳарнинг марказига яқин Кўзагарлик кўчасида жойлашган. Мутахассислар мақбара биносининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гап кетганда, уни безатишда ўйма сополдан фойдаланилганини таъкидлайдилар. Ҳолбуки, бу усул XIV аср бошларида урф бўлиб, кейин унутилган эди. Бинонинг асосий чеҳраси равоқсимон, аркли ва бурчаклари кичик миноралари қилиб ишланган. Пештоқ энли ва энсиз, ўсимликлар тасвири туширилган белбоғлар билан безатилган. Мақбара меъморлари ва қурувчилари ишида қўлланилган бундай ноёб ечимлар ҳозир ҳам барчани лол қолдирмай қўймайди.

Наманганда Мустақиллик йилларида аждодлар анъаналарига мос равишда яна бир қатор иншоотлар қад кўтарганини қайд этиш лозим. Улардан бири Курашхона даҳасидаги Мулла Бозор Охунд мақбарасидир. Бу зот оташнафас шоир Бобораҳим Машрабнинг устози бўлган. Иншоот ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида маҳаллий меъморлар Абужаббор Абдуғаффоров ва Одилжон Қодиров лойиҳаси асосида қайта бунёд этилган. Уни тиклашда таниқли усталар Турғунбой Фозилов ва Неъматулла Қўчқоров етакчилигидаги қурувчилар иштирок этишган.

*(Давоми 2-бетда)*

## ОБСУЖДЕНЫ ВОПРОСЫ СОТРУДНИЧЕСТВА В СФЕРЕ СТРОИТЕЛЬСТВА



**Узбекскими строительными компаниями рассматривается возможность выхода на рынок Приморского края с целью реализации социально-важных проектов региона.**

19 ноября нынешнего года состоялась встреча представителей Правительств Приморского края и Узбекистана. В рамках данной встречи, где обсуждались вопросы сотрудничества в строительной отрасли, приняли участие заместитель председателя Правительства Приморского края М. Петров и Председатель Торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан А. Икрамов, а также представители соответствующих министерств и ведомств, ведущих узбекских строительных компаний, таких как «Discover Invest», АО «Трест-12», ООО «TO‘PALANG HPD HOLDING» и др.

Как отметил в ходе встречи заместитель министра строительства Ш. Хашимов, развитие взаимовыгодного сотрудничества в строительной отрасли имеет важное значение. Вопросы развития строительной индустрии, производства стройматериалов, совершенствования градостроительства находятся в центре внимания Главы нашего государства.

Также сказано о необходимости увеличения экспорта строительных услуг, определены основные направления дальнейшего сотрудничества с Приморским краем между частным сектором и государственными уполномоченными органами.

Были затронуты вопросы, требующие дополнительной проработки с обеих сторон, в связи с чем достигнута договоренность дополнительных переговоров и создание рабочей группы по проработки вопросов участия узбекских строительных компаний в реализации строительных объектов в Приморском крае.

В свою очередь, российской стороной высказана готовность предоставить детальную информацию о имеющихся проектах и раскрытия процедурных вопросов для осуществления деятельности узбекских строительных компаний.

В ходе встречи состоялась презентация с имеющимися опытами в сфере реализации крупных проектов.

**Наш корр.**

### МИЛЛИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИ АМАЛДА

## 608 та қурилиш объектидаги назорат рақамлаштирилди

**Қурилишда сифат таъминланиши нималарга боғлиқ? Соҳада коррупциянинг олдини олишда айнан қайси жиҳатларга эътибор бериш лозим? Шу каби саволларнинг жавоби битта. Соҳани рақамлаштириш! Президентимизнинг мазкур йўналишдаги ишларни жадаллаштириш борасидаги топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Қурилиш вазирлиги томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.**

Қурилиш вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда Фарғона вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан «Шаффоф қурилиш» Миллий ахборот тизимидаги «Қурилишдаги назорат» қуйи тизимидан фойдаланиш» мавзусида ўқув-амалий семинар ташкил этилди. Унда Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Д. Ходжиаҳмедов, вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси масъул мутахассиси Х. Маҳмудов, Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи А. Ғаниев, Фарғона вилояти Қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи С. Закировлар сўзга чиқиб, электрон тизимдан кутилаётган натижалар ҳақида маълумотлар беришди.

«Шаффоф қурилиш» Миллий ахборот тизимидан самарали фойдаланишни ўрганиш ва ҳудудда уни 2020 йил якунига қадар тўлиқ амалиётга татбиқ этиш масалаларига йиғилганлар эътибор қаратишди. Ҳудудий назорат инспекциясининг қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат, буюртмачилар билан ишлаш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлимларининг мутахассисларига ушбу тизимнинг афзалликлари ва унинг қулайликлари ҳақида маълумотлар берилди.

Маълумот ўрнида, айтиш керакки, бугунги кунда Фарғона вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида рўйхатдан ўтган 608 та қурилиш объекти «Қурилишдаги назорат» тизимига киритилиб, инспекторлар томонидан назорат ишлари бир вақтда анъанавий тест тариқасида амалга оширилмоқда. Бунинг учун 19 та планшет харид қилиниб, назорат ишларига инспекторлар жалб этилган.

Ўтказилган ўқув-амалий семинарда қурилиш объектларини тизимга киритиш, тизим орқали назорат ишларини олиб бориш ва бу борада ҳисоботларни шакллантириш мавзуларида фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси масъул мутахассислари Фарғона вилояти ҳудудий инспекцияси инспекторлари билан биргаликда ҳудуддаги қурилиш объектларида тизимдан фойдаланиш амалиётини ўтказишди. Шунингдек, буюртмачилар билан ишлаш бўлими вакиллари ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича мутахассислар рўйхатдан ўтган объектларни тизимга киритиш, буюртмачиларнинг техник назорати, лойиҳачиларнинг муаллифлик назорати ва пудратчиларнинг ички назорати, ходимларга шахсий кабинетлар очиш амалиётига гувоҳ бўлдилар.

Қурилиш вазирлиги, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда «Қурилишдаги назорат» электрон тизимидан фойдаланиш мақсадига қаратилган бу каби ўқув-семинарларни юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказишни режалаштирган.

**Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги
Матбуот хизмати.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№92 (441) 2020 йил 20 ноябрь

# ЗАМОНАВИЙ ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОР КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

**Жиззах вилояти Фориш туманидаги оҳак кони яқинида «Tianshan Industries» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси барпо этилди.**



Кейинги йилларда республикамизда қурилиш кўламининг кенгайиши қурилиш материалларига талабнинг кескин ошишига олиб келди. Бу жараёнда табиий газга муқобил бўлган бошқа ёқилғи турлари билан ишловчи, энергия тежовчи корхоналарга эҳтиёж ортмоқда.

Шу талабдан келиб чиқиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ҳар томонлама қулай, табиий захираларга эга Жиззахда вилоят ҳокимлиги билан Ўзбекистон Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ҳамкорлигида табиий газга муқобил бўлган кўмир ёқилғисида ишловчи энергия тежовчи оҳак ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.

«Tianshan Industries» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонанинг энергия тежамкор оҳак заводи лойиҳасининг 2,5 миллион АҚШ долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ташкил этади.

Корхонани барпо этишда тежамкор ёқилғидан фойдаланиш, атроф-муҳитни зарарлантирмаслик ва бошқа шартлар қабул қилиниб, тегишли норматив ҳуқуқий талаблар асосида ишлаш ҳисобга олинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан корхонага фойдаланиш учун ер майдони ажратиб берилган.

Корхона йилига 100 минг тонна, бир кунда 270 тонна махсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот тўлиқ экспортга мўлжалланган. У хорижга йилига 1 миллион АҚШ долларилик маҳсулот чиқариши кутиляпти.

Янги корхонанинг дастлабки босқичи ишга тушиши билан 50 та янги иш ўрни яратилади.

Корхонанинг асосий қурилиш ишлари якунига етди. Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган асбоб-ускуналар тўлиқ келтириб ўрнатилди.

2023 йил якунига қадар битказилиши мўлжалланган лойиҳанинг кейинги босқичида хомашёнинг ортиқча исроф бўлишининг олдини олиш, атроф-муҳитга зарар етказмаслик мақсадида замонавий қадоқлаш цехи ишга туширилади, оҳак чиқитидан қўшимча маҳсулотлар олинади. Жумладан, хомашё чиқитидан карбамид, йўл қурилишида, тиббиётда қўлланиладиган материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

– Вилоятда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда самарали ишлар амалга оширлаётир, – дейди вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бўлим бошлиғи Искандар Аҳатов. – Ҳудуддаги бой табиий ресурс манбалари, қулай тадбиркорлик муҳити хорижий инвесторларни ўзига жалб этмоқда. Шу имкониятлардан фойдаланиб жорий йилда 302,5 миллион АҚШ доллари ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштириш белгиланган. Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни барпо этишда табиий ресурсларга бой, марказдан олис ҳудудларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу эътибор туфайли вилоятнинг Фориш тумани хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар энг кўп ҳудуд ҳисобланади. Ушбу завод барпо этилиши билан туманда хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 24 тага етди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, қулай инвестиция муҳитини яратишга берилаётган эътибор туфайли пандемия даври қийинчиликларига қарамай вилоятда хорижий капитал иштирокидаги йирик корхоналарни барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш изчил давом этаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда хорижий капитал иштирокидаги 16 та янги корхона ва ташкилотлар ташкил этилди.

Вилоят статистика бошқармаси маълумотларига кўра, вилоятда рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 200 та бўлиб, улардан 193 таси ёки 96,5 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19 тага ёки 110,5 фоизга ошди.

Янги корхоналар, янги қувватлар ишга туширилиши халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, чекка ҳудудларда йирик корхоналар барпо этилаётгани тадбиркорликни, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга ҳам муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинганининг 29 йиллиги Тошкент вилоятида ҳам кенг нишонланмоқда.**

# Мактабларнинг янги биноси ўқувчилар ихтиёрида

Оққўрғон туманида капитал таъмирланган 23-умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди.

Замон талаблари асосида мукаммал таъмирланган мазкур мактабда ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун барча шароит яратилган. Бунинг учун давлат бюджетидан 3 миллиард 721 миллион сўм ажратилди. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли бинолар янгича қиёфага келтирилиб, коммунал ва иссиқлик тизимлари янгиланди.

Хусусан, ахборот технологиялари, кимё, биология, физика лаборатория, хорижий тилларни ўқитишга мўлжалланган ўқув хоналари замонавий жиҳозланган. Тадбир иштирокчилари таълим муассасасида яратилган шароитлар билан танишди. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбат давомида ёшларга яратилаётган бу каби шароит аввало Ватанимиз байроғи ғурур ва фахримиз, улуғ мақсадларимиз, халқимизнинг мустақиллиги, тинчлик тимсолида акс этиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ тумани «Чангтепа» маҳалласида жойлашган 14-умумтаълим мактабидаги 120 ўринга мўлжалланган қўшимча бино фойдаланишга топширилди.

– Мактабимиз 1966 йилда қурилган бўлиб, ҳозирги кунда 334 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Қўшимча бино ва замонавий спорт залининг қурилиши ўқувчиларимиз, ота-оналар ва жамоамизни қувонтирди, – дейди 14-умумтаълим мактаби директори Сардор Туропов. – Туманнинг чекка ҳудудида бундай чиройли объектларнинг қурилиши давлатимиз томонидан қилинаётган ғамхўрликнинг яна бир намунаси деб биламан. Ўқувчиларга ҳам катта совға бўлди. Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, карантин талаблари асосида биз ҳам ўқув жараёнларини олиб борамиз.

Байрам муносабати билан бу ерда ҳам «Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Фуқаролар молиявий қўллаб-қувватланмоқда






**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ипотека банк» АТИБ томонидан ташкил этилган «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини бериш ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож аҳоли учун субсидиялар ажратиш механизми» мавзусидаги матбуот ажнуманида мутасаддилар томонидан шу йўналишдаги ишларга эътибор қаратилди.**

Маълум қилиишича, 2017-2019 йилларда Давлат дастурлари доирасида шаҳар ва қишлоқларда 93 544 та хонадонлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг 41 525 таси шаҳарларда 52 019 таси қишлоқ ҳудудларда бунёд этилди.

– Мамлакатимизда Давлат дастурларига мувофиқ қурилган уйлар «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ҳамда «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиринг компанияларининг буюртмачилиги асосида қад кўтаргани эътиборга молик. Эндиликда Ўзбекистонда ипотека бозорини ривожлантириш учун талабга мос механизмаларни шакллантириш керак. Бозор механизмларини ривожлантирмай туриб, ипотека бозорини ҳам тараққий эттириб бўлмайди, – дейди «Ипотека банк» АТИБ Давлат дастурлари бўйича ипотека кредитлари департаменти директор ўринбосари Дилмурод Исхоқов. – Шу сабабли бу ташкилотларга бир қатор имтиёзлар берилган эди. Эндиликда бундай имтиёзлар аҳолига тақдим этиладиган бўлди. Буни уй-жойга муҳтож, ижтимоий қийналган, кредит маблағларини ўзи тўлай олмайдиган фуқароларга давлат томонидан берилаётган кўмак дея изоҳлаш мумкин. Фуқароларга бугунги кунга қадар у қадар катта миқдордаги кредитларни ажратмаган эдик. Ушбу ишлаб чиқилган механизм асосида жорий йилдан эътиборан хусусий сектор ва пудрат ташкилотларига банк кредит маблағларини ажратиш тизими йўлга қўйилди. Бу орқали улар турар жойларни барпо этиб, уй жойларини банк орқали сотиш имкониятига эга бўлади.

Матбуот анжуманида жорий йилдан бошлаб давлат дастури ҳажми қисқартирилиб, бунга қўшимча равишда янги тартиб, яъни, «бозор механизмлари» жорий этилгани таъкидланди. Эндиликда дастур доирасида имконияти мавжуд бўлган барча қурилиш ташкилотлари иштирок этишлари мумкин. Яъни, бу билан қурилиш бозорида эркин рақобат муҳити ривожланишига ва «Ипотека тизимини» бозор тамойиллари асосида шаклланиб боришига кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, муассасада янги шартлардаги ипотека кредитларини аҳолига ажратиш кенг кўламда йўлга қўйилиб, жойларда банк хизматлари марказлари ташкил этилди. Ушбу марказлар тадбиркорлар ва фуқароларга барча банк хизматларини кўрсатишидан ташқари, уй-жойлар қурилишини молиялаштириш ва қурилиши якунланган уйларни сотилишида аҳолига ипотека кредитларини ажратиш масалалари билан ҳам шуғулланади. Бунда ипотека кредитини расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар, яъни кредит ажратиш ва нотариал олди-сотти ишларини амалга ошириш имконияти яратилди.

Матбуот анжумани якунида мутасаддилар ОАВ ходимларининг саволларига жавоблар қайтаришди.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# «Истеъмолчилар уйи» фойдаланишга топширилди

**Бойсун туманида замонавий услубда қурилган, ўзига хос инновацион ечимга эга «Истеъмолчилар уйи» маъмурий мажмуаси очилди.**

Бинодаги «Истеъмолчи кутубхонаси» фондидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, сиёсий-иқтисодий қўлланмалар, олти мингдан ортиқ маърифий, бадиий, илмий оммабоп китоблар, мамлакатимизда нашр этиладиган қизиқарли ижтимоий-сиёсий газета-журналлар ўрин олган.

Янги бинода ҳуқуқий саводхонлигини оширмоқчи бўлган истеъмолчилар Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда Тошкент давлат юридик университети ҳамкорлигида ишлаб чиқилган 16 турдаги юридик адабиётлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Кутубхона 100 минг дона электрон китоб фондига ҳам эга. Истеъмолчиларнинг мурожаат ва аризалари ҳам шу ернинг ўзида қабул қилинади. Бинода замонавий «Book cafe» ва бепул Wi-fi тизими хизмат кўрсатади. Интернет орқали зарур адабиётларни топиш ва харид қилиш имконини берувчи «eReader» электрон ўқув қурилмаси ўрнатилган. Шунингдек, хотин-қизларни бепул чеварликка ўргатиш маркази, ўқув тўгараги ҳамда ҳудуд сектори қабулхонаси жойлашган.

Тоғли туманда бунёд этилган замонавий янги иншоот ёш авлоднинг маънавий тафаккурини бойитиш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш ҳамда уларнинг салоҳияти ва истеъдодини кашф этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Лойиҳа доирасида Сурхондарё вилоятининг Узун тумани ва Шарғун шаҳарчасида ҳам барча шароитга эга «Истеъмолчи уйи» барпо этилиб, фойдаланишга топширилган эди. Айни пайтда мамлакатимизнинг Олтиариқ, Қизилтепа, Риштон, Деҳқонобод, Тўрақўрғон, Избоскан, Янгибозор, Фарғона, Марғилон каби шаҳар ва туманларида қад ростлаган барча қулайликларга эга 19 та кўркам ва шинам мажмуалар аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Янги йилгача яна юртимизда тўртта ана шундай маънавият ва маърифат маскани ишга туширилиб, юзга яқин йигит-қизнинг бандлиги таъминланади.

**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРГА иккинчи умр бағишланмоқда



*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Вилоят раҳбари Шавкатжон Абдураззоқов ҳам халқимизнинг нафақат маънавий, балки моддий ва тарихий, маданий бойлиги ҳисобланган осори атиқаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. У бир гуруҳ мутахассислар билан бирга жойларда бўлиб, юзага келган ҳолатни чуқур ўрганди. Ўзаро маслаҳатлар асосида ёдгорликларга иккинчи умр бағишлаш режалари ишлаб чиқилиб, амалга ошириш бошланди. Бундай объектлар сирасига Наманган шаҳридаги «Ўн бир Аҳмад» зиёратгоҳи, Қодирхўжа эшон уйи, Мавлавий Намангоний ҳамда Уйчи туманидаги «Девона бобо» мақбараларини киритиш мумкин. Яқин ўтмишда ҳам ўзининг катта қадр-қимматга эгалигига қарамай, мазкур объектлар қаровсиз ҳолда ётганди. Мустақиллик туфайли халқимиз тарихига, аждодлар меросига эҳтиром кўрсатилаётгани ҳаммага маъқул тушмоқда.

Шимолий Фарғона каналининг чап соҳилида, «Афсоналар водийси» тематик парки билан ёндош сўлим гўшада жойлашган «Ўн бир Аҳмад» зиёратгоҳи ҳудудида бугун қурилиш ишлари авжида. Бинокорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар яқиндагина кўримсиз, пастқам иморатлардан иборат бўлса-да, халқ орасида шуҳрат қозонган масканни йирик туризм мажмуасига айлантиришга бел боғлаганлар. Шу яқиндан оқиб ўтадиган Шимолий Фарғона каналидан олинган сув катта шаршара ҳосил қилади. Салобатли фавворалар ҳам киши кўзини қувнатади. Унинг рўпарасида жойлашган «Афсоналар водийси»га тез орада қуриладиган осма кўприк орқали ўтиш ва мириқиб ҳордиқ чиқариш мумкин бўлади.

Айни кунларда Наманганнинг шимолий-шарқий қисмида, катта қабристон пойида қад ростлаган Мавлавий Намангоний мақбарасида ҳам таъмирлаш ишларига киришилди. Бу иншоот манбаларда XVI асрда қурилган, деб кўрсатилади. Маълум бўлишича, у таниқли шоир ва олим Мавлавий Намангоний хотирасига бағишланган. Мақбара яқинида пештоқ гумбазли зиёратхона бор. Унинг ёнларига ҳашамдор икки минора ҳам қурилган. Бино ичларига чиройли бўёқлар билан гуллар ва нақшлар чизилганки, улар ҳам ўтмиш усталарининг юксак маҳоратидан далолат беради.

Таъмирчилар шаҳар марказидаги Сардоба мавзесида жойлашган Қодирхўжа эшон уйини ҳам асл ҳолатига келтириш устида ишламоқдалар. У тахминан 120 йил илгари тикланган. Ўша пайтда Наманганнинг энг кўркам уйларидан бири бўлган. Европа ва Шарқ меъморчилиги анъаналарини уйғунлаштириб бунёд этилган бинолар ўзига хос чирой касб этган. Хоналарнинг деворлари қўлда чизилган чиройли гуллар ва манзаралар билан безатилган. Шу ўринда ҳовлининг эгаси замонасининг ўзига тўқ кишиларидан бўлганини айтиб ўтиш лозим. У маърифатпарвар киши бўлиб, шаҳарга илк бор фотоаппарат, патефон, дурбин каби ашёларни олиб келган. Бу ерни зиёрат қилган киши ҳеч шубҳасиз, ўтган аср бошларидаги жамият ҳаётидан, инсонларнинг қизиқишлари ва яшаш шароитларидан воқиф бўлиши мумкин.

Меъморий мажмуанинг тарихийлигини йўқотмаслик таъмирловчилар олдига биринчи даражали вазифа қилиб қўйилган. Шунинг учун гипсокартон, профил каби замонавий материаллардан умуман фойдаланилмайди. Бутун эътибор ҳовлининг асл ҳолатини тиклашга қаратилган. Шу билан бирга бу ерда музей, кутубхона, вай-фай зона ташкил этилади. Бу эса зиёратчилар сонининг ошишини таъминлайди, деб ўйлаймиз.

Уйчи туманининг «Гумбаз» маҳалласидаги «Девона бобо» зиёратгоҳида ҳам кенг миқёсда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бу иншоот нафақат вилоятдаги, балки мамлакатдаги машҳур тарихий ёдгорликлардан саналади. «Девона бобо» зиёратгоҳини таъмирлашга 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. «Уйчи пардоз» хусусий корхонасининг қўли гул усталари томонидан мақбара асл ҳолати сақлаб қолинган ҳолда миллий услубда қайта қурилмоқда. Умумий майдони 1,40 гектар жойни эгаллаган мазкур зиёратгоҳга ёндош ҳудудда жоме масжиди ҳам қад кўтармоқда. Бу ерда бир вақтнинг ўзида беш минг намозхон ибодат қилиши имкони яратилади.

Ушбу мақбара ривоятларга кўра, Аҳмад Яссавийнинг узоқ авлодларидан ҳисобланмиш Девонабува исмли уламо шарафига бунёд этилган. Иншоотнинг ташқи кўринишидан XVI аср бошларида қурилган, деган хулосага келиш мумкин. Катта гумбаз пештоқли ҳажм қоидасига мувофиқ тўрт томондан тешиклар билан бўлинган. Кириш пештоқи қисмлари ва ўлчамларидан мақбарани хонақоҳга қиёсласа бўлади. Ички деворларни безаган гуллар ва ўсимликларнинг бўёқлари ҳануз ўз оҳорини тўкмаган.

– Тарихий ва маданий, меъморий ёдгорликлар аҳолини, айниқса, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга, – дейди фахрий қурувчи Шуҳратжон Йўлчибоев. – Чунки осори атиқалар бугунги замонни ва ўтмишни, авлодлар ва аждодларни ўзаро боғловчи рамзий кўприкдир. Бундай эзгу ишга ҳамкасбларимиз муносиб ҳисса қўшаётганликларидан беҳад мамнунмиз. Буни ҳар бир кишининг муқаддас бурчи сифатида баҳоласа бўлади.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**




# ЯНГИ МАРКАЗ ЁШЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТ УЙИГА АЙЛАНАДИ

**Мамлакатимизда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, фаровон турмуш кечириши учун шароит яратиш йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Ёшлар жамиятнинг ташаббускор ва фаол қатлами сифатида доимо қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Бу борада ёшларнинг ташаббус ва ғояларини бирлаштириш, янги лойиҳалар тайёрлаш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, уларга тил ўргатиш, муҳокамалар майдони яратиш, турли соҳаларда маҳорат дарсларини ўтиш учун ҳар бир ҳудудда «Ёшлар маркази» ташкил этилмоқда.

Қарши шаҳрида ҳам ана шундай замонавий, барча қулайликларга эга «Ёшлар маркази» фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифи доирасида ушбу марказда бўлиб, шароитларни кўздан кечирди, ёшлар билан мулоқот қилди.





Қашқадарёда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 780 минг 642 нафарни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, мазкур марказ ёшлар учун жуда муҳим ва зарур. У минглаб ёшларни турли тўгараклар атрофида бирлаштириб, истеъдодларини юзага чиқариш, касб-ҳунарга меҳр уйғотишда катта ўрин тутади.

– Ушбу ёшлар маркази 20 дан ортиқ янги йўналишларни қамраб олган, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев ЎзА мухбири Нурилло Насриевга. – Нима учун бу марказни қуришга эҳтиёж, талаб пайдо бўлди? Жуда кўп ёшлар ўзларининг бошланғич бизнес лойиҳалари, креатив ташаббусларини амалга ошириш учун маълум бир жой керак эди. Яъни, ёшлар таклиф этаётган лойиҳаларни муҳокама қилиш, тенгдошлари билан фикр алмашиши, лойиҳани янада пишитиши учун марказ қуриш таклифи билан чиқди. Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалий ифодаси сифатида мана шу марказ барпо этилди. Бу ерда қандай фаолият йўналишлари ташкил қилиш кераклигини ёшларнинг ўзи белгилади. Улар асосан IT соҳасига қизиқиш билдирмоқда. Шу билан бирга, ҳудуд хусусиятидан келиб чиқиб, фермерлик ва тадбиркорлик маркази фаолияти ҳам йўлга қўйилади. Бу ерда қишлоқ хўжалигида тежамкор технологиялардан фойдаланиш, сув тежовчи технологиялар жорий этиш бўйича билим ва кўникмага эга бўлишлари мумкин. Ёшлар яна бир яхши ғоя, яъни марказда бизнес кутубхона ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Бу шундай бўладики, кутубхонада бадиий китоблар билан бирга бизнесга дахлдор китоблар бўлиши, инновацион учрашувлар, бизнес семинарлар ташкил этилиши, тадбиркорлар билан маҳорат дарслари ўтилиши йўлга қўйилади. Чунки, вилоятда ҳам потенциали юқори бўлган, ёниб турган ёш тадбиркорлар бор. Уларга озгина йўналиш, тўғри маслаҳат берилса, ишлари юришиб кетади. Ўйлайманки, мазкур марказ ёшларнинг муваффақият уйига айланади.

Марказда «Ёшлар – келажагимиз» жамғармаси, Тадбиркорлик ва фермерлик, «IT экспорт», «Ёшлар студияси», 3D дизайн, «ITECH», «Фрилансерлар», Мактаб битирувчилари бандлигини таъминлаш, «Психологик маслаҳат», Беш ташаббусни мувофиқлаштириш каби марказлар фаолияти йўлга қўйилади.




– Қашқадарё ёшлари учун яна бир имконият эшиги очилди, – дейди рус тили фани ўқитувчиси Сабрина Турсунова. – Қаршида барча қулайликларга эга замонавий ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзлари келиб, бу ерда ёшлар билан самимий суҳбат қурди. Турли соҳалар – санъат, маданият, спорт, ахборот технологиялари, китобхонлик, фан олимпиадалари, турли танловларда қашқадарёлик ёшлар ҳам кўплаб ютуқларга эришяпти. Бизда фикрлар, ташаббуслар, лойиҳаларни тақдим қиладиган, ёшларни бирлаштирадиган ягона марказ йўқ эди. Энди ушбу марказга бемалол келиб, семинар-тренинглар ўтишимиз, турли лойиҳаларни муҳокама қилишимиз мумкин. Бугун Президентимиз билан бўлган учрашувда жуда кўп таклифлар билдирилди. Мен ҳам мактаб дарсликларини қайта кўриб чиқиш, хориж тилини ўқитишда замонавий методлардан фойдаланишни кенгайтириш юзасидан таклифларимни бердим.

Бу ерда «Янги Ўзбекистонни мактаб остонасидан яратамиз», «Қишлоқ хўжалиги ёркин келажагини сиз ёшлар билан яратамиз», «Муваффақиятли бизнес сари-сенинг илк қадаминг» шиорлари остида турли лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

«Ёшлар маркази»дан ахборот ресурс маркази ҳам ўрин олган. Қаршилик ёшлар ушбу кутубхонада севимли китобларини мутолаа қилиши, турли бадиий асарлар юзасидан бўладиган адабий баҳсларда иштирок этиши мумкин. IT ва 3D марказларида турли анимацион фильм ва мультфильмлар яратилади.

Куни кеча давлатимиз раҳбари бу ерда қашқадарёлик ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда йигит-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури доирасида йиллик режага қўшимча маблағ ажратиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, мубораклик ёшларнинг таклифини қаноатлантириб, туманда IT-парк ташкил этиш, электрон тижорат ва дастурлаш кўникмаларини бепул ўргатиш, 310 ўқувчи таҳсил олаётган Китоб туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида зарур шароит яратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида 12-13 ноябрь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлиб, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, истиқболли лойиҳалар билан ҳам танишди.**

# Кўп квартирали уйларни бошқариш: ҚАШҚАДАРЁ НАМУНАСИ



Мазкур йўналиш бўйича уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Музаффар Салиев томонидан давлатимиз раҳбарига кейинги йилларда Қашқадарё вилоятида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан тақдимот қилинди.

Хусусан, кўп квартирали уйларни бошқариш тизимига бозор механизмларни жорий этиш, самарасиз фаолият юритаётган, оғир тоифадаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўрнида бошқарув сервис компанияларни ташкил этиш, уйларнинг техник ҳолатини яхшилашга алоҳида тўхтаб ўтилди. Шунингдек, иссиқлик таъминоти тизимини комплекс ривожлантириш, аҳолига коммунал сервис хизматлар кўрсатилишини кенгайтириш борасида Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган, Қашқадарё вилоятида амалга оширилиши режалаштирилаётган чора-тадбирлар ва лойиҳалар кўриб чиқилди.

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда республикамиз бўйича кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва бошқарув сервис компанияларини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Соҳада тўпланган амалий тажрибаларга таянган ҳолда ҳамда ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги ютуқларидан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоятида жорий йил якунига қадар ва келгуси йилларга мўлжалланган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш таклиф этилмоқда.

Хусусан, кўп квартирали уйларни бошқариш тизимига бозор механизмларни жорий этиш бўйича бошланган ишлар изчил давом эттирилади. Вилоятдаги мавжуд 161 та уй-жой мулкдорлари ширкатларининг молиявий-иқтисодий ҳолати ўрганилди. Аниқланган оғир тоифадаги 89 та ширкат бу йил якунига қадар тугатилиб, 10 та янги бошқарув сервис компанияси ташкил этилади. Тугатилаётган ширкатларга бириктирилган уйлар мулкдорларнинг розилиги билан белгиланган тартибда сервис компанияларига ўтказилади.

Ўз навбатида ширкатларнинг тижорат банклари олдидаги кредит қарздорлигини сўндириш бўйича аниқ чоралар кўрилади. Маълумотларга кўра, 2017-2020 йилларда ширкатларга жалб этилган 36,3 миллиард сўм миқдордаги имтиёзли кредитлардан 1 ноябрь ҳолатига муддатида тўланмаган қарздорлик 26,9 миллиард сўм, тўлаш муддати кечиктирилган қарздорлик 4,2 миллиард сўмни ташкил этади. Ушбу салбий ҳолат ҳозиргача дар тизим фаолиятида бир ноқулайликларни келтириб чиқараётган эди.

Келгусида кредит қарздорлиги белгиланган муддатларда тижорат банкларга қайтарилишини таъминлаш учун молиявий ҳолати бўйича «оғир» тоифага кирган уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тижорат банклари олдидаги кредитор қарздорлиги муддати 3 йилга узайтирилади. Тугатиладиган 89 ширкатнинг тижорат банклари олдидаги кредит қарздорлиги янги ташкил этиладиган бошқарув ташкилотларига ўтказилади.

Ширкатларнинг молиявий фаолиятини шаффофлигини таъминлаш ҳамда онлайн тўлов тизимини жорий этиш орқали аҳоли томонидан тўланадиган мажбурий бадал пуллари тушими 2019 йилдаги 6,2 миллиард сўмдан, 2020 йил якунига қадар 9,3 миллиард сўмгача ва 2021 йилда эса 11 миллиард сўмгача оширилади.

Бунда уй-жой мулкдорлари ширкатларига бухгалтерлик ва консалтинг хизматларини кўрсатадиган «Ягона ҳисоб-китоб маркази» давлат унитар корхоналарининг ижобий тажрибаси кенг қўлланилади.

Шунингдек, кўп квартирали уйларни жорий ва мукаммал таъмирлашни молиялаштириш бўйича янги механизм жорий этилади. Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ҳузурида ташкил этилган «Кўп квартирали уйларни таъмирлаш жамғармаси» маблағлари ҳисобидан кўп квартирали уйларнинг бошқарув органларига танлов асосида, қайтариш шарти билан, фоизсиз ссуда ажратилади. Ҳозир ушбу жамғармага маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 5 миллиард сўм миқдордаги маблағ йўналтирилган. Жамғарманинг фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва шаффофлигини таъминлаш, фоизсиз ссуда маблағларини танлов асосида ажратиш ва қайтариш механизмини ўз ичига олган Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг қўшма қарори қабул қилинади.



Аҳолининг сифатли ва кафолатли коммунал сервис хизматларига эҳтиёжини эътиборга олган ҳолда «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» ДУК негизида ташкил этилган «Тез коммунал хизмат» сервис фаолияти янада ривожлантирилади. Мижозларнинг эҳтиёжларига қараб кўрсатилаётган хизмат турлари кенгайтирилади. Бу эса коммунал сервис хизматларини кўрсатиш бозорида рақобатнинг кучайиши ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати тубдан яхшиланишига олиб келади.

Ҳозир ташкил этилган мазкур сервис томонидан аҳолига 24/7 иш режимида хонадонларнинг ички муҳандислик-коммуникацияларидаги бузилишларини таъмирлаш, маиший техникани ўрнатиш ва сантехникани алмаштириш каби 40 дан ортиқ хизмат турлари кўрсатилмоқда. «Тез коммунал хизмат» сервис билан тез ва қулай боғланиш, мурожаатларни қабул қилиш учун «1184» қисқа рақамли call-center ташкил этилган. Бу тажриба амалиётда самарали синовдан ўтказилгандан сўнг Қашқадарё вилоятида кенг татбиқ этилади.

Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимига жорий этилган «Обод уй» электрон дастури такомиллаштирилиб, барқарор ишлаши таъминланади. Бунда, ушбу электрон дастур республикамизда мавжуд бўлган барча электрон тўлов тизимларига уланади. Ушбу тизим ширкатлар билан бир қаторда бошқарувчи ташкилотлар ва кўп квартирали уйни бевосита бошқариш органларига ҳам татбиқ этилади. Бугунги кунда «Ягона ҳисоб-китоб маркази» ДУК томонидан «Обод уй» электрон дастурига 38 мингдан зиёд абонент, 1 минг 568 та кўп квартирали уй ва 155 та уй-жой мулкдорлари ширкати тўғрисидаги маълумотлар базаси киритилган.

Вилоят иссиқлик таъминоти тизими энергия ва ресурсни тежайдиган янги технология ва ускуналарни жорий қилиш орқали модернизация қилинади. Хусусан, лойиҳалар доирасида энергия самарадорлиги юқори бўлган қозонхона агрегатлари ва насос ускуналари ўрнатиш, иссиқлик тармоқларини модернизация ва реконструкция қилишда пенополиуретандан тайёрланган полимер изоляцияли, ҳимоя қобиғига ўралган қувурларни қўллаш кўзда тутилган. Ҳозир вилоятдаги жами 1 минг 903 та кўп квартирали уйдан 32 фоизи иссиқлик энергияси билан таъминланган. Бундан 74 та уй марказлашган иссиқлик таъминоти, 131 та уй маҳаллий қозонхоналар ва 412 та уй индивидуал иссиқлик таъминоти билан қамраб олинган.

2021-2023 йиллар манзилли дастур бўйича жами 74 та марказий ва локал қозонхоналар қурилиши режалаштирилган бўлиб, лойиҳалар якунланиши билан 68 фоиз кўп квартирали уй иссиқлик энергияси билан таъминланади. Лойиҳаларни амалга ошириш учун уч йил давомида жами 925,5 миллиард сўм маблағ талаб этилади.

Тақдимот давомида Президентимиз мазкур таклифларни маъқуллаб, Қашқадарё вилоятида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича топшириқлар берди. Шу билан бирга, соҳада жорий этилаётган замонавий технологиялардан келиб чиққан ҳолда мутахассисларни тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Вазирлик тасарруфидаги Қарши коммунал касб-хунар коллежида иссиқлик таъминоти соҳасида хизмат кўрсатувчи, пенополиуретан қопламали қувурлар чилангари, индивидуал иссиқлик пунктларига хизмат кўрсатувчи чилангар, қозонхона ва иссиқлик тармоқлари назорат-ўлчов асбоблари ва автоматикасига хизмат кўрсатувчи чилангар йўналишлари бўйича ўқув курслари ташкил этилишига доир топшириқлар берилди. Авваламбор, белгиланган топшириқлар Қарши шаҳри, кейинчалик бутун вилоят ва республикамизнинг барча ҳудудларига татбиқ этилади.

**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Суратлар president.uz сайтидан олинди.*

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича Инжиниринг компанияси» ДУК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати | Эълон берилган сана |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Пастдарғом тумани, «Ургут» ЭИЗ «Дўстлик» массивида оқова сув тармоғини қуриш | 4 202 383 920 | 210 кун | 2020 йил 17 ноябрь |
| 2. | Нурobод тумани, «Ургут 2» ЭИЗ «Сазаган» массивида оқова сув тозалаш иншооти ва тармоғи қуриш | 25 620 231 282 | 390 кун | 2020 йил 19 ноябрь |
| 3. | Пастдарғом тумани, «Ургут» ЭИЗ «Дўстлик» массивида сув иншооти ва тармоғи қуриш | 4 014 422 640 | 300 кун | 2020 йил 18 ноябрь |

Тендер таклиф (оферта)ларнинг очилиши dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин ўтказилади.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича Инжиниринг компанияси» ДУК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| № | Объект номи ва жойлашган манзили | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати | Эълон берилган сана |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Самарқанд шаҳри, Беруний кўчасидан Рудакий кўчаси бўйлаб Гагарин кўчасигача ичимлик суви тармоғи қуриш | 955 912 457 | 30 кун | 2020 йил 17 ноябрь |

Танлов таклиф (оферта)ларнинг очилиши dxarid.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кундан кейин ўтказилади.

**Буюртмачи:** «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича Инжиниринг компанияси» ДУК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси.

**Манзили:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони Д, 1-«А» уй.

**Тел.:** 66-233-19-57.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Танлов (тендер) иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим:** иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов (тендер)да қатнашганда, танлов (тендер) таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов (тендер) иштирокчиларига қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов (тендер) таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Танлов (тендер) иштирокчилари танлов (тендер)да қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов (тендер) ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов (тендер) ташкилотчиси Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-«Д», 403-хона.

**Тел.:** (66) 233-50-76, 233-32-00, 231-13-51.

Тасдиқланган танлов (тендер) ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Хоразмсувқурилишинвест» ДУК

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| № | Объект номи | Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Хоразм вилояти, Янгибозор, Шовот ва Урганч туманларидан ўтувчи туманлараро «Аташев» коллекторининг (ПК233+98 ва ПК66+50 қисмларида) қирғоқларини мустаҳкамлаш | 499 576 608 | 30 кун |

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Буюртмачи:** «Хоразмсувқурилишинвест» Давлат унитар корхонаси.

**Манзили:** Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 2-«а» уй.

**Тел.:** 62-223-35-49.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига иш кунлари, соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

